

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
«ҲАЁТ-ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ» кафедраси**



ЭРГОНОМИК БИОМЕХАНИКА

фанидан

амалий машгулотни бажариш учун

МЕТОДИК КЎРСАТМА

Тошкент 2013

Ушбу услубий кўрсатма «Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги» кафедрасининг
2013 йил «__» ____даги __-сонли йиилишида кўриб чиқилган ва
фойдаланишга тавсия етилган.

Услубий курсатма «Эргономик биомеханика» фанининг намунавий
дастурига асосан яратилган.

Тузувчилар:

Т. А. Ҳайдаров

С. А. Асилова

Такризчилар:

Р. И. Эргашев, ТИМИ доценти

Р. Д. Халилов, ТошДАУ доценти

Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2013 йил

КИРИШ

Эргономик биомеханика инсоният ва уни ўраб турган атроф мухит предметларини, айнан уни оптималлаштириш мақсадидаги ўзаро муносабатини ўрганади.

Эргономик биомеханика замонавий ишлаб чиқариш шароитидаги инсоният омилларини ўрганувчи илмий фан ва соҳа ҳисобланади.

Ҳозирги замонда инсоний омиллардан тўлиқроқ фойдаланишнинг зарурияти қайд қилинган.

Эргономик биомеханиканинг мақсади ва вазифалари инсон учун энг қулай меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш ва инсоннинг соғлигини ва иш қобилиятини сақёаб туриш.

1-АМАЛИЙ МАШУЛОТ. СЎРОВ УСЛУБИ БИЛАН ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЭРГОНОМИК ПАРАМЕТРЛАРИНИ ЎРГАНИШ.

Ишининг мақсади: Сўров усули билан иш ўринларини эргонометрик параметрларини ўрганиш.

Иш ўрни - бу инсон меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун «инсон-машина - ишлаб чиқариш мухити» тизимида маълумотларни акс эттириш воситалари, бошқариш қисмлари ва ёрдамчи жиҳозлар билан жиҳозланган жойдир. Иш жойлари якка ва коллектив турларга бўлинниб - тикка, ўтириб ва тикка-ўтириб ишлашга мўлжалланади.

Эргономика иш жойларини лойиҳалашга бўлган талабларни ифодалаб беради. Асосий ва қўшимча ҳаракат зоналарини аниқлайди, тегишлича полдан баландлик бўйича, симметрия ўқидан фронт бўйича жиҳозларнинг жойлашиш зоналарини аниқлаб беради.

Одамнинг ҳар хил ишчи ҳолат (тик, ўтирган, ётган ва энгашган) ларининг оптимал ва чегаравий ўлчамларини аниқлаш учун иш жойини


рационал ташкил қилишда ишлатиладиган зарур антропометрик маълумотлар системалаштирилади.

Эргономикада ишнинг ва ишчи ҳолатларнинг характеристига боғлик ҳолда ҳар хил турдаги ишчи столлар ва ўриндиқларни конструкциялаш бўйича умумий тавсиялар яратилади.

Иш жойини режалаштириш ва жойлаштиришда қуйидаги принципларга амал қилиш тавсия қилинади: бошида тўлиқ режалаштириш, кейин қисмларини, олдин оптимал ҳолда, кейин амалий рухсат қилинганини; иш жараёни ва жиҳозни режалаштиришга ягона тизим талаблари билан ёндошиш.

Иш жойини лойиҳалашда антропометрия маълумотларини ҳисобга олиш муҳимдир. Эргономика бўйича манбаларда маҳсус тақидланадики, конструктор ўзининг антропометрик ва психофизиологик характеристикаларини бошқа одамлар учун ҳам наъмунавий деб қарамаслиги ва шу асосда нарсаларни лойиҳалаш жараёнини ташкил қиласлиги керак.


Фақат инсон танаси ўлчамлари ва аъзолари ҳақида, унинг ёши ва жинси ўрганилган ҳолда кенг тўпланган системали танланган малумотларни жалб қилиб ўлчам стандартларини лойиҳалаш учун мустаҳкам илмий базани ҳосил қилиш мумкин.




1-расм. Вертикаль юзада мотор майдони бўйича етишиш зonasи

Иш жойини ташкил қилишда қўйидагиларни таъминлаш мақсадга мувофик:

- операторнинг энг маъқул ишчи ҳолати (тик ёки ўтирган ҳолда);
- муҳимлиги ва қуриш майдони доирасида фойдаланиш жадаллигига қараб бошқариш қисмлари ва индикаторларини рационал жойлаштириш;
- операторга ҳаракатланиш ва силжишда етарли эркинлик берилиши;
- иш жойи элементларининг энг яхши кўриниши;
- инсоннинг антропометрик, физиологик, ва психологияк характеристикаларининг иш жойи конструкциясига мослиги;
- машинадан келаётган маълумотлар тезлиги ва ҳажмининг инсон томонидан қабул қилиш ва ишлов бериш имкониятларига мослиги;
- операторларнинг иш вақтида қисқа муддатли дам олишлари учун шароит бўлиши;
- ишловчиларни хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларидан ҳимоя қилиш.




2-расм. Горизонтал юзада иш юзасининг баландлилиги 725 мм бўлганда мотор майдонига етишиш зonasи




3-расм. Күлдә ёрдамида операцияларни амалга ошириш ва бошқариш органларини жойлаштириш схемаси:

1-энг керакли ва күп ишлатиладиган бошқарув органлари жойлаштирилади; 2-тез-тез ишлатилиши мүикін бўлган бошқарув органлари жойлаштирилади; 3-кам ишлатиладиган бошқарув органлари жойлаштирилади.



4-расм. Турли ишлар учун иш юзаси балагдилити(1-4), оёқлар учу ниш кенглиги (5) ва ўриндиқнинг жойлашиш баландлилиги (6) одам бўйига боғлиқ номограммси.



5-расм. Оёқ учун иш кенглигини, (500 ммдан
кам бўлмаслиги лозим)мм:

а-ўриндиқдан иш юзасининг пастки қисмигача бўлган масофа? мм;
h-иш юзасининг баландлилиги, мм.

Сўнгги йилларда сўров услуби билан иш ўринларини эргономик параметрларини ўрганиш даврида кузатув ишлари замонавий техник воситалардан фойдаланилмокда:

1. Фотография
2. Киноматография
3. Овозли техникавий усул
4. Телевизион усул

Оператор иш жойини кузатишида қуидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Кузатувни мақсад ва вазифаларини аниқлаб олиш.
2. Кузатув обьекти, предмети ва ҳолатини аниқлаб олиш.
3. Кузатув усулини аниқлаш, бунда танланган усул кузатилаётган обьектга кам таъсир этсин ва керакли ахборотни таъминласин.

4. Кузатувни қайд этиш усулини аниқлаб, олинган ахборотга ишлов бериш.

Кузатув схемаси:

1. Диспетчер меҳнати хусусияти (сезги аъзоларининг қанчалик бандлиги ва ишни бажаршда тана аъзоларининг (қўл, оёқ, кўз ва қулоқ) иштироки кузатилади).
2. Тананинг ҳолати: белгилаб қуйилган ҳолат ва тананинг ўриндиқ ва пультга нисбатан ҳаракати.
3. Тананинг олд ва орқага нисбатан эгилиши.
4. Пульт баландлилиги ва иш панелини оғиш бурчаги.
5. Кўлларнинг бандлиги (ўнг, чап, иккала кўлнинг).
6. Кўлни етиш даражаси олд томонга, ўнг ва чапга.
7. Бошқарув пультини ишни олиб боришга мослиги.
8. Кўлнинг таянч нуқталари (тирсак ва билакни). Оёкларни жойлашуви (ўнг ва чап).
9. Ўриндикнинг таянч қисмларини аниқлаш (олд, ўрта ва орт ҳолатида).
10. Иш зонасида ташқарида дам олиш имконияти.

Сўровнома шакли

- A. Фамилия, исм ва отасини исми.
- Б. Ёши.
- В. Мансаби.
- Г. Иш стажи.
- Д. Иш кунининг давомицийлиги.
 1. Стулда ўтириш қулайми?
 2. Қандай ноқулайликларни сезаяпсиз?
 3. Танангизни қайси қисми оғриқ сезаяпти (елка, бел ва х.)?

4. Кўлларингиз билан ҳаракатланиш қулайми (ҳа, йўқ)
5. Ўриндиқни айланиши керакми (ҳа, йўқ)?
6. Стул роликларда бўлгани маъқулми (ҳа, йўқ)?
7. Иш пайтида бел ва елка таянч юзаларига эга булсинми (ҳа, йук)?
8. Тебранадиган суюнчиқ лозимми (ҳа, йўқ)?
9. Ўриндик текис олд ёки ортга оғган бўлиши шартми?
10. Тирсак ости таянчи бўлиши керакми?
11. Ўриндиқ қандай бўлиши керак (юмшоқ, ўртача қаттиқ)?
12. Ўриндиқ қопламаси қандай материалдан бўлиши лозим (мато, клёёнка, дерматин)?
13. Иш давомида сиз ўрнинингиздан тез-тез турасизми?
14. Оёқлар учун таянч юза керакми?
15. Стулни баландлиги сизни қониқтирадими?
16. Ричагларни бошқаришда ва педалларни босишда сиз ортиқча жисмоний кучланишга йулиқасизми?

Назорат саволлари:

1. Иш ўрни нима?
2. Иш ўрнига қандай талаблар қўйилади?
3. Иш ўрнини лойиҳалаш мезонлари қандай?
4. Оператор қандай иш ҳолатига эга бўлиши керак?
5. Оператор иш жойини танлаш мезонлари нимадан иборат?
6. Бошқариш пульти қандай бўлиши керак ва унинг шакли нималарга боғлиқ?
7. Мотор майдонининг ётиш зонаси нима?

2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЗАРБА БЕРУВЧИ АСБОБ БИЛАН ИШЛАШ БИОМЕХАНИКАСИНИ ЎРГАНИШ.


Ишининг мақсади. Зарба берувчи асбобларни қўллашда уларнинг оптимал ўлчамлари ва фойдали иш коэффициентини ўртасидаги боғланишни ўрганиш.

Ҳар кандай иш асбобларига куйидаги умумий талаблар қўйилади:

- асбоб улчамлари ишчининг хусусиятларига мос келиши лозим;
- панжа маълум нукталарида локал босимлар хосил бўлмаслиги лозим;
- иш бажарилаётганда кўл ва панжаларга кулай холат яратилиши лозим.

Инсонлар асрлар давомида турмушда ишлатиладиган асбобларни яратища антропометрик белгиларда фоойдаланишган. Бундов ўлчов бирлиги қилиб тананинг алоҳида қисмлари-панжа кенглиги, қўл узунлиги ва ҳакозолардан фойдаланишган

Агар асбоблар дастаси тўхталадиган бўлсак равшанки у кишининг панжаси ўлчамларига мос келиши керак. Бу иш асбобларини бир неча ўлчамларда тайёрлашни талаб этади. Турли хил ўлчамларда асбобларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга, масалан бир фактда тўхталиб ўтсак бу фикрни тўғрилигига амин бўласиз, агар аёл кишига эркак кишининг қўл панжалари ўлчамларига мослаб чиқазилган асбобда ишлашга тўғри келиб қолса, бу аёлга ноқулайликлар олиб келади, иш унуми пасаяди ва жароҳат олиш эҳтимоли ошади. Бундан кўриниб турибдики, қўл асбоблари ва уларнинг дасталарини турли хил ўлчамларда ишлаб чиқишга тавсиялар яратиш лозим.




1-расм. Халқ меъёрлари бўйича асбоб ўлчамларини танлаш

Зарба берувчи асбоб биомеханикаси

Зарба бериш самарадорлиги асбобга ва асбобнинг зарба берувчи уч қисмининг ҳаракатига боғлик. -Зарб берувчи асбобларнинг Ф.И.К.-самарадорликнинг миқдорий тавсифи биринчи марта В.П. Гоячин ва В.А. Желиговский ишларида берилган.

Зарб бериб ишлатиладиган қўл асбобининг уч ҳарактерли нуқтаси мавжуд асбобда жойлашган массалар маркази, зарба бериш нуқтаси ва зарба маркази нуқталари катта аҳамиятга эгадир (2-расм).

Зарб маркази –С нуқта булиб, бу нуқта зарба бериш вақтида қўзғалмас қолади, яъни амалга оширилган зарба натижасида ўз тезлигини ўзгартирмайди. Бу нуқтанинг илгарилама ҳаракат тезлиги бурилиш тезлиги ωS_1 га teng, лекин қарама-қарши ишорага эгадир. Ишчи инстинктив холда зарбани сезмаслик учун асбобни кўли билан шу нуқтадан ушлайди.



2-расм. Зарб бериб ишлатиладиган қўл асбобининг характерли нуқталарининг жойлашиш схемаси:

В-асбобнинг зарб берувчи қисмида жойлашган зарба бериш нуқтаси; О-массалар маркази; С-зарб маркази; F_1 ва F_2 таъсир чизигига таъсир этувчи кучлар; W -оғирлик кучи; S_0 -массалар марказидан зарб марказигача бўлган масофа; L -болға дастасининг узунлиги; S_1 -массалар марказидан зарба бериш нуқтасигача бўлган масофа.

С нуқтасининг жойлашиш холатини график усулда аниқлаш мумкин. Бунинг учун массалар маркази нуқтасидан асбоб дастасининг ўқига нисбатан перпендикуляр ўтказамиз ва унга $OP = \rho_0$ га teng кесмани қўямиз (ρ_0 -умумий массалар марказига нисбатан инерция радиуси), сўнг Р нуқтадан В нуқтага тўғри чизик тортамиз ва Р нуқтадан РВ кесмага перпендикуляр тортамиз. ρ_0 қийматини қўйидаги формула орқали топамиз:

$$\rho = \sqrt{I_0/m}, \quad (1)$$

бунда I_0 - массалар марказига нисбатан инерция моменти;

m - асбоб массаси.

Зарб берувчи асбобнинг Ф. И. К. қўйидаги ифода орқали топилади:

$$\eta = \frac{E_2}{E_1} = \frac{\frac{mv^2}{2} \left[\frac{S_1^2}{\rho_0^2 + S_1^2} + 1 \right]}{\frac{mv^2}{2} \left[\frac{\rho_1^2}{\rho_2^2} + 2 \right]}, \quad (2)$$

бунда E_2 -зарб беришда сарф бўладиган энергия миқдори;

E_1 -кўл асбобига бериладиган энергия миқдори;

S_1 -массалар марказидан зарб марказигача бўлган масофа;

ρ_0 -умумий массалар марказига нисбатан инерция радиуси;

ρ_1 -зарб нуқтасига нисбатан инерция радиуси;

ρ_2 – зарб марказига нисбатан инерция радиуси.

Тенгламага $v = gt$ ни қўйиб ва 2-расмга тригонометрик ўзгартиришлар киритиб ҳамда соддалаштириб қуидаги ифодани оламиз;

$$\eta = (\rho_1^2 - S_0^2) / \rho_1^2 \quad (3)$$

ёки

$$\eta = 1 - (S_0^2 / \rho_1^2) \quad (4)$$

Агар соддалаштириб асбобнинг зарб берувчи қисмининг массаси бир нуқтада жамланган деб олсак, бу хол учун В. П. Горячкин зарб берувчи асбобнинг самарадорлигини тахминий аниқлаш мумкин икки формуласини таклиф этади:

$$\eta = 1 - (3 S_0 / 2L), \quad (5)$$

бу ерда S_0 -массалар маркази ва таъсир чизиги орасидаги масофа;

L-асбоб дастасининг умумий узунлиги.

$$\eta = 1 - \left[\frac{3}{4} m_1 / (m_1 + m_2) \right] \quad (6)$$

бунда m_1 - асбоб дастаси массаси;


m_2 - зарб берувчи бош қисмининг массаси.

Олинган 5 ва 6- формулалар ёрдамида аниқланган асбобнинг Ф.И.К. 2-расмда келтирилган

Асбобнинг Ф.И.К. ортади, қачонки массалар маркази асбобнинг зарб берувчи қисмига яқинлашса. Асбоб сопи қанчалик енгил бўлса, Ф.И.К. миқдори ошади. Мана шу сабабли ҳам асбоб сопини кўп холларда ёғочда тайёрлайдилар.

Турли хил асбобларда зарб маркази асбоб зарб берувчи (зарб нуқтасидан) қисмидан турли масофада жойлашиши мумкин. Кўл асбобидан ишлайдиган одам асбобни кўлга олганда инстинктив холда зарб марказини топади ва асбобни худди шу нуқтада кўл билан тутади.

Айрим холларда зарб маркази асбобда бўлмаслига мумкин. Бундай хол рўй беради, қачонки зарб йўналиши асбоб ўқига перпендикуляр эмас ёки массалар маркази асбоб дастасида ётмаганда. Бундай асбоб билан зарба берилаётган кўл кайтаётган зарба кучини ҳис этади. Бундай холларда эгилган дасталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки бунда зарб маркази асбобда ётади (3-расм).



3-расм. Кўл асбоби зарб маркази дастада ётмаслик ҳолати (а) ва қулай иш шароитини яратиш мақсадида эгигик шаклли дастадан фойдаланиш (б).

Зарб беришда фақатгина асбобни хусусиятларини ҳисобга олиш нотўғри бўлади. Зарб беришда ишчининг кафти асбобни маҳкам ушлашлайди ва қўлнинг бу асбоб Билан бир бутун жисмни ҳосил қиласди, Асбобнинг инерцион масса тавсифини аниқлашда қўлнинг шу қисми масобга олиш зарур бўлади.

Н.А. Бернштейн 1934 йилдаги изланишларишуни кўрсатдик, зарб биомеханикаси мураккаб манзарани ташкил қиласди.

1-жадвал

Ҳар хил инерцион-масса тавсифига эга бўлган болталар билан ишлашда
биомеханик тавсифлар

Болта массаси, кг		Инерция моменти, кг·м ²	Массалар маркази тезлиги, м/с	Бурчак тезлиги, рад/с	Кинетик энергия, Дж		
чопқисиз	чопқи билин				кўчма	айланма	тўлик
0,85	1,40	0,122	13,8	-23,4	133	33	167
1,59	2,07	0,133	14,3	26,5	212	48	260
2,18	2,75	0,142	14,0	19,0	270	26	296

1-жадвалда кўриниб турибдики, болта массаси (2,75 кг гача) ошганда тўлик кинетик энергия миқдори ошади.

Назорат саволлари:

- Иш асбобларига қандай умумий талаблар қўйилади?
- Асбоб дастаси ўлчамлари қандай олинади?
- Қўл ўлчамларини асбоб ўлчамларига мос келмаслиги нималарга олиб келади?
- Локал босимлар қандай пайдо бўлади?

5. Локал босимларни бартараф этиш йўллари нимадан иборат?
6. Қўл ва кафтга қўлай холатлар қандай қилиб яратилади?
7. Зарба берувчи асбоблар дастасига қандай кучлар таъсир этади?
8. Асбобларнинг фойдаи иш коэффициентини қандай ошириш мумкин?

З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ҚЎЛ ҲАРАКАТИ ВА .ҚЎЛ АСБОБЛАРИНИ УШЛАШ УСУЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Ишининг мақсади. Турли хил ишларни бажаришдаги қўл ҳаракатларини ва қўл асбобларини ушлашни ўрганиш ўрганиш.

Кўп меҳнат жараёнларида қўл билан қилинадиган ҳаракатлар мануал ҳаракатлар дейилади. Бу ҳаракатларнинг самарадорлиги ишлатилаётган асбобнинг сифати ва ундан моҳирона фойдаланишга боғлик. Шунга кўра, асбоб шундай яратилиши лозимки, бунда у билан ишлаш хавфсиз ва қулай бўлиш билан биргаликда юқори иш унумига эришиш керак. Бунинг учун асбоб конструкцияси одамнинг ҳаракатдаги аппаратининг биомеханик хусусиятларига мос келиши лозим.


Айрим иш ҳаракатларини бажаришда, хусусан зарба беришдаги ҳаракатлар, виброасбоблар билан ишлашда қўллар занжирида катта кучлар ҳосил бўлади. Бу кучлар ўз ўрнида турли касалликларга олиб келади.

Антрапология фанида одам панжасининг 20 данг ортиқ ҳарактерли ўлчамлари мавжуд. Аммо биомеханик ва эргономик ҳисобларда фақат асосий ўлчамларидан фойдаланилади. Аёл ва болаларнинг қўл панжаларининг ўлчамлари эркакларнига нисбатан кичик, бу ҳол асбобларни яратишда эътиборга олинади.

1-жадвал. Эркак ва аёл панжаларининг ўлчамлари, мм

Ўлчов турлари	Белгиси	Эркаклар		Аёллар	
		Ўртача	Максимал	Минимал	Ўртача
Панжа узунлиги	А	193	208	178	176
Панжа кенглиги(бош бармоқ асоси бўйича)	Б	86	94	79	74
Ўрта бармоқ узунлиги	В	117	127	104	102
Панжа ўзаги узунлиги(мушт марказигача бўлган масофа)	Г	76	81	71	74
Бош бармоқ узунлиги	Д	69	76	61	61
Хат ёзишда панжа узунлиги	Е	117	127	104	-

Қўлнинг асосий вазифаларида бири бу панжалар билан манипуляцион ҳаракатларни амалга оширишдир, бунинг учун қўлнинг маълум ҳолатлари учун эркинлик ва қулайликлар лозим. Қўл ҳаракатлари кинематикаси бўйича кўп илмий мақолалар чоп этилган. 2-расмда қўл ҳаракатининг бир неча хил вариантлари келтирилган. Барча ҳаракат турлари майший ҳаёт ва меҳнат қилганда фойдаланилмайди, шу сабабга кўра фақат ушлаш тури билан танишамиз.




1-расм Панжанинг асосий ўлчамлари

Панжалар мукаммал иш бажарувчи орган ҳисобланиб, иш қуроллари ва материалларни ушлаш ва улар билан манипуляция қилишга қодир аъзодир. Эркак ва аёллар панжаси ва бармоқларининг ҳаракатчанлиги бир-биридан фарқ қиласи. Аёлллар панжаси бўғимларидаги ҳаракатлар ҳажми эркакларнига нисбатан зиёдрок (мисол учун кафт $4..5^{\circ}$ ортиқ бурилади).

Кучоқли ушлаш

Цилиндрик ушлаш (3.а-расм). Бунда кафт ва бармоқлар бутун юза бўйлаб цилиндрическимон буюмни қоплаб олади ва бош бармоқ унинг атрофида ҳалқа ҳосил қиласи.

Сферик ушлаш (3.б -расм). Бош бармоқ, бармоқлар ва панжа кафти юзалари тўлиқлигича сфериксимон буюмни қоплаб олади.



2-расм. Қўлнинг ҳаракатлари:


а-елка бўғимлари орқали горизонтал текислиқда ҳаракатланиш; б-тирсакни букиб ҳаракатланиш; в-бармоқларни букиш; г-бош бармоқ билан ҳаракатни амалга ошириш; д-панжа билан ҳаракатни амалга ошириш;

е-кафтни очиб ва ёпиб ҳаракатланиш; ж- кафтни юқори ва чапга ҳаракати.

Амалда фойдаланишга қулай бўлган ушлаш классификацияси И. Матеев ва С. Банковлар томонидан тақдим этилган. Бу классификация бўйича ушлашаш турлари 3-расмида келтирилган.

Мүштли ушлаш (3.в-расм). Бунда ингичка буюм муштли ушлашанади ва бош бармоқ колган бармоклар устига жойлашиб, ушлаш кучини оширади, Бу турдаги ушлаш тез чарчатади, чунки уни узоқ вакт тутиб бўлмайди.

Илмоқли ушлаш (3.г -расм). Бу турдаги ушлашда бош бармоқ иштирок этмайди. Бунда II-V бармоклар иштирок этади ва бугинларда букилади. Бу ушлаш нисбатан пассив бўлиб, бунда буюм маълум вақт илмоқда илингандек осилиб туради. Бу усул асосан айрим турдаги тортқи ва дастаклардан фойдаланилганда қўлланилади.



3-расм. Ушлаш турлари:

2-жадвал. Турли хил ушлашда эркак киши панжасида хосил бўладиган

максимал куч микдори

Ушлаш тури	Ушлаш кучи, Н
Бармок учida	95±22
Калит ушлаш	105±22
Палмар	409±73

Ён томондан ушлаш

Калит ушлаши (3.ж -расм). Ингичка буюм, масалан калит ёки тангани ушлашда бош бармоқ ва кўрсатиш бармоғининг ён томони билан ушланади-кулфга солинган калитни айлантиришдаги анъанавий ушлашдир.

Пичокли ушлаши (3.з-расм). Бу ушлашда буюм икки қўшни бармоқларнинг, кўп ҳолларда курсатгич ва ўрта бармоқлар иштирокида амалга оширилади, мисол учун сигретани ушлашда.

Турли ушлашларнинг самарадорлиги турличадир. Масалан муштли ушлашда қўл тез толиқади, аксинча илмоқли ушлашда қўл ёрдамида узоқ вақт давомида чемодан ёки портфелни кўтариш мумкин, лекин қўл тез толиқмайди.

Юқорида кўриб чиқилган ушлашлар турли асбоблар дастагининг конструкциясини ҳар хил бўлишини талаб этади. Кўпинча бир турдаги ушлашга мослашган асбоб дастаги бошқа турдаги ушлаш учун тўгри келмайди.

4-жадвал. Кафтнинг очилиши даражасига караб эркак киши панжасида ҳосил бўладиган максимал ушлаш қучининг микдори (панжанинг ўртача узунлиги

$192\pm4,96$ мм, ўрта бармок узунлиги $81,64\pm5,73$ мм)

Кафтнинг очилиши, мм	Куч ,Н	
	Ўнг панжа	Чап панжа
85	$469,68\pm72,46$	$448,00\pm100,06$
75	$493,10\pm113,0$	$494,00\pm82,72$
65	$559,42\pm80,94$	$520,52\pm85,76$
55	$558,72\pm88,58$	$556,72\pm95,6$
45	$562,64\pm63,46$	$543,66\pm74,4$

5-жадвал. Билакнинг турли холатларида ушлаш кучи миқдори

Билакни буриш бурчаги, градус	Ушлаш кучи миқдори, Н		
	Кафт 15^0 олдинга букилганда	0^0	Кафт 15^0 оркага букилганда
0	$262,20 \pm 115,4$	$269,8 \pm 95,3$	$312,3 \pm 104,4$
15	$273,10 \pm 4,56$	$296,4 \pm 108,9$	$304,2 \pm 101,2$
30	$265,80 \pm 109,8$	$269,4 \pm 109,8$	$279,5 \pm 107,6$

Назорат саволлари:

1. Асбоббларни ушлашнинг қандай турлари мавжуд?
2. Аёллар панжаси бўғимларидағи ҳаракат миқдори эркаларникига нисбатан неча фоиз ортиқ?
3. Қул ҳаркатининг нечта эркинлик даражаси мавжуд?
4. Панжага таъсир қилувчи кучлар қандай усулб билан аниқланади?
5. Ушлаш кучи қиймати билан билак ҳолати ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
6. Пайлар қандай ҳолатларда чўзилади?
7. Қўл бармоқлари букилганда тўқималарга таъсир этувчи босим қандай аниқланади?
8. Чапақайлик ва ўнақайлик қандай муаммоларни келтириб чиқаради?

**4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЗИНА ВА ПАНДУСЛАРНИ - АСОСИЙ
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ.**

Ишнинг мақсади.Зина ва пандусларнинг вазифаси, турлари ва ўлчамларини аниқлашни ўрганиш.

Зина ва пандусларда ҳаракатланиш катта жисмоний куч талаб этади. Уртacha тезликда ҳаракат содир этилганда киши 63 кдж/мин сарфлайди., бу


текис йўлда 3 км/соат тезлик билан 100 кг юк Билан ҳаракатланишда сарфланадиган энергияга teng. Шу сабаб ҳам зиналарни тузилишини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. 1672 йилда француз олими Франса Блондель ўз кузатишлари натижасида зина поғонаси баландлиги ва кенгли ўртасида қўйидаги оптималь боғлиқликни аниқлади:

$$2a+b=610 \text{ мм},$$

Бунда a -зина поғонаси баландлилиги, мм;

b - поғонаси кенглилиги, мм.


Зиналарни ўлчамлари хисоблашда асосий кўрсаткич бу зиналарни қиялигидир. Зина қичялиги асосан Зина поғоналарининг баландлиги ва кенглигига боғлиқдир (1-расм)..



1-расм. Зинанинг қиялиги: a – поғона кенглилиги; ширина приступи; b – поғона баландлигиги; высота подступенка; c – пол юзасига зинанинг проекцияси узунлиги; h – кўтарилиш баландлиги, м; k – кўтаришин қиялиги, градус.

Зина ўлчамари тўгри танланган бўлади, агар икки талабга жавоб Бера олса, биринчидан поғоналарнинг ўлчамлари одам танаси ўлчамлари ва кинематикасига мос келса, иккинчидан юқорига кўтарилиган минимал энергия сарфласа. Бундай зиналар шу Билан биргаликда энг хавфсиз ҳисобланади. Биринчи гурух талабларига қўйидаги уч шарт қўйилади:

- зина поғоналари ўлчамлари табиий қадам узунлигига мос келиши лозим;
- зина поғона кенглиги одам қадами узунлигидан катта бўлиши лозим, сабаби зинада тушаётган одам тушида қадамини буриб ва ён бошлаб тушиши керак бўлади, бўлмаса йиқилиб ағанайди;
- зина поғонаси баландлиги одам қадами узунлигинининг ярмида ошмаслиги керак, тахминан 310 мм дан, шунда зинадан кўтарилиш осонлашади.



2-расм.. Зина поғонаси кенглиги ва баландлигини одам қадам узунлигига боғлиқлиги: а – поғона кенглиги; б – поғона баландлиги;

1 – қадам узунлиги(63 см); 2 – нормал поғоналар; 3 – жуда кенг поғоналар.

Зина кўтарилиш қиялиги 30^0 кам бўлганда зиналар ўрнига пандуслардан фойдаланиш мумкин. Пандуслар бўйлаб ғилдиракли транспорт ва аравалар ҳаракатланиши мумкин.

Зиналарнинг кенглиги асосан у ердан ҳаракатланадиган одамларнинг қаторлари сонига боғлиқ равища танлаб олинади (1-жадвал).

1-жадвал. Зина кенглигини унда ҳаракатланадиган одамлар боғлиқлиги

Қаторлар сони	Зина эни, м	
	Кичик	Меъёрий
1	0,7	0,9
2	1,2	1,4

Одамни зина бўйича ҳаракатини ўрганиш шуни кўрсатдик, зиналарнинг поғонасининг оптимал баландлиги 170 мм, кенглиги эса 290мм бўлиши керак, бу қийматларда ошиб кетса, Зина ҳаракатланишда сарфланадиган энергияни ошишишига олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Зиналарни ўлчамлари одам ўлчамларига қандай боғлиқ?
2. Зина поғонаси ўлчамларини баландлиги ва эни нималарга боғлиқ равища аниқланади?
3. Зина кўтарилиш қиялиги ав унинг ўлчамлари орасидаги қандай боғлиқлик мвжуд?
4. Пандусларни вазифаси нималардан иборат?
5. Қандай ҳолатларда зиналар ўрнига пандуслар фойдаланилади?
6. Зиналардан фойдаланилганда жароҳатланишлар қай холларда тез-тез кузатилади, сабабларини санаб беринг.

5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ АКС ЭТТИРУВЧИ ВОСИТАЛАРНИ ЎРГАНИШ

Ишининг мақсади: Бошқарув органлари ва маълумотларни акс эттирувчи воситаларни турлари, вазифаси, ишлаш тартиби ва техник характеристикаларини ўрганиш бўйича амалий тажриба орттириш.

Маълумотларни акс эттирувчи воситалар (МАЭВ)-ишлаб чиқариш жараёнининг, ҳамда алоҳида қисм ва механизмлар иш режимининг бориши ҳақида маълумотлар қабул қилиб туриш учун хизмат қилади. Бу воситалардан инсон технологик жараённи бевосита ўзи кузата олмаганда ёки унинг сонли ва сифатли ҳолатини мустақил баҳолай олмаганда фойдаланади. Оператор сезги аъзоларига таъсир қилишга қараб МАЭВ қуидаги: визуал, акустик ва тактил турларга бўлинади.

МАЭВларга қуидагилар ёзувли ёки символли тахтани ёритувчи чўғланувчи лампалар, стрелкали-шкалали ўлчов асбоблари, ҳар хил кўрсатгичлар, ҳисоблагичлар, овозли оҳанглар, сиреналар, экранлар, схемалар ва ҳоказолар киради. Улар ўз принципига кўра қуидаги «ҳа-йўқ» деган маълумотни бериши мумкин (яъни машина ишляпти ёки йўқ; бирорта ўлчам меъёрида ёки йўқ), баъзан ўлчамнинг сонли ўзгаришини кўрсатади.

Товуш сигналлари: авария (частота 800-5000 Гц, товуш босими даражаси 90-100 дБ оралиқларда), огоҳлантирувчи (200-80 Гц, 80-90 дБ) ва хабар беруви (200-400 Гц, 30-80 дБ) сигналларини бериш учун ишлатилади.

Огоҳлантирувчи ва авария сигналлари узилувчан қилиб амалга оширилади ва алоҳида сигналларнинг эшитилиш узунлигига teng ва улар оралиғидаги интервал камида 0,2 секундгача бўлади. Сигнал товуши босимининг даражаси ишлаб чиқариш жараёни шовқини даражасидан камида 10-16 дБ га баланд бўлиши лозим. Тракторларда товуш сигналиниң даражаси трактор шовқинидан камида 6 дБ га кабинасида ва трактордан 1 метр масофада 8 дБ га баланд бўлиши керак.

Эргономика бошқариш турадиган жой (пост)ни рационал ташкил қилиш умумий принципларини ҳамда уларда асосий ва қўшимча

жихозларнинг жойлашишини белгилайди. Бу масалалар туркумiga бошқариш жойининг ташки безатилиши (масалан, алоҳида қисм ва деворларнинг бўялиши) психологик, физиологик, гигиеник ва эстетик талабларни ҳисобга олган ҳолда.

Автоматлашган бошқариш тизимларида оператор иш жойининг асосий элементларига панел киради. У шундай жойлашиши керакки, ундаги асбобларнинг юза текислиги операторнинг қараш чизигига перпендикуляр бўлиши керак. Бошқариш пультидаги бошқариш қисмлари қулай ва қўл ета оладиган бўлиши лозим. Пультнинг умумий баландлиги пол сатхидан кўпи билан 120 см баландликда бўлиши керак. Унда ёзувлар учун 10x20 см дан 30x40 см гача ўлчамдаги текислик ажратилади. Оёқларнинг эркин жойлашиши ва харакатланиши учун баландиги - 63 см, кенглиги 50 см ва чуқурлиги 45 см бўлган бўшлиқ кўзда тутилади. Пультда харакатнинг энг қулай зонаси 70 см билан чегараланади.

Бошқариш қисм (орган)лари бошқарилаётган - таъсирни инсондан машинага узатиш: уни харакатга келтириш, ишчи қисмларни тўхтатиш, талаб қилинган иш режимини белгилаш, маълумотларни киритиш ёки олиш ва х.к. вазифаларни бажариш учун хизмат қиласи. Бошқариш қисмлари юритувчи элемент ва ижро қилувчи қисмлардан иборат. Шундан юритувчи элементларга энг қаттиқ эргономик талаблар қўйилади.

Бошқариш қисмларининг конструкцияси инсоннинг ҳаракатланувчи аппаратига мос бўлган рухсат қилинган ва меъёрий юкланишни ва унинг антропометрик характеристикаларига биноан бошқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган аниқлик ва ҳаракат тезлигини тез аниқлашни таъминлаши лозим.

Бошқариш қисмлари қўл ва оёқ орқали бошқариладиган қилиб ишланади. Қўл билан бошқариш анча аниқ бўлиб, оёқ орқали бошқаришга нисбатан устун туради. Бошқариш қисмлари кўп бўлганда ёки уларни катта куч билан ишлатганда қўлларни озод қилиш учун оёқ юритмалари қўлланилади. Бошқариш қисмларининг юритувчи элементларининг шакли ва

ўлчамлари қўл билан ушлаганда ишончли ва тоймайдиган бўлиши, уларнинг материаллари заҳарсиз, ҳамда зарур ҳолатларда иссиқлик ва электр токини ўтказмайдиган бўлиши керак.

Қўл билан бошқариш қисмлари шундай жойлашиши керакки, бунда оператор қўллари $90\text{-}135^0$ бурчакка букилган ҳолда уларни бемалол силжита олсин. Бошқариш педаллари оператор гавдасининг кўндаланг ўқига яқин жойлаштирилади (100мм дан катта бўлмаган қияликда). Педаллар орасидаги масофа иккала оёқ учун $200\text{-}400$ мм бўлиши, ҳамда тоймайдиган қилиб ясалган бўлиши керак.

Бошқариш қисмлари қўл ёки оёқ оғирлиги остида тасодифан қўшилиб қолиш эҳтимолини камайтириш учун улар етарли даражада қаршиликга эга бўлиши керак.

Бошқариш қисмларини ҳаракатга келтиришга сарфланадиган куч хаддан ташқари кўп ёки кам бўлмаслиги лозим, акс ҳолда у операторнинг жисмоний толиқишига ёки ҳаракат аниқлигининг йўқолишига олиб келади. Кўлда кўп ишлатиладиган қисмлар минимал кам куч билан бошқарилиши керак.

Куйидаги 1-жадвалда бошқариш қисм (орган)ларига қўйиладиган оптимал куч қийматлари келтирилган.

1-жадвал. Бошқариш органларига қўйиладиган куч катталиги

T/p	Бошқариш қисмлари	Куч катталиги, Н
1	Даста: Меърий Максимал	20-40 100
2	Кнопка, тумблёр, қўшгичлар: енгил тури оғир тури	1400-1600 6000-12000
3	Оёқ педаллари: кам ишлатиладиган тез-тез ишлатиладиган	300 гача 20-50
4	Кўлда бошқариш дастак (рычаг)лари учун: даврий ишлатиладиган тез-тез ишлатиладиган	120-160 20-40



Бошқариш қисмлари ва маълумотларни акс эттирувчи воситалар дарҳол сезиладиган ва тез топиладиган жойда ўрнатилган бўлиши лозим. Бунинг учун уларга ёки улар жойлашган ерда тушунтириш ёзувлари ёки маъноли символлар келтирилиши, ҳамда уларни ҳар хил ўлчам, шакл ва рангларда ишланиши лозим.

Педаллар тузилиши ва бошқариш сифати

Механизм ва машиналарни бошқариш сифати асосан педалнинг кострукцияси ва уни операторга нисбатан қандай жойлашганлигага боғлиқдир. 2-жадвалда кўп холатларда ишлатиладиган педаллар конструкцияси келтирилган. Деярли барча конструкцияларда бошқариш ҳаракатлари сагитал текисликда содир бўлади, фақат айрим холларда тиззани ён томонга ҳаракатлантириш (электр тикув машиналарида) билан бошқарилади. Асосан икки турдаги ҳаракат қўлланилади: оёқ кафтини болдир суяги билан товон суягини бириктирувчи бўгим билан буриш ва оёқларни тўгрилашдир. Педалларни холати, конструкцияси ва бошқариш ҳаракатлари турли–туманлиги кўп вариантларни биз тақдим этади, лекин ҳозирги давргача улар тўлиқ ўрганилмаган. Болдир суяги билан товон суягини бириктирувчи бўгими билан оёқ товони Билан бошқариладиган педалларнинг конструкциясида айланиш ўқининг жойлашишида фарқ мавжуд.

Педалнинг айланиш ўқининг жойлашиши таъсир этувчи босимни қийматига таъсир этади. Агар педалнинг айланиш ўқи билан товоннинг айланиш ўқи остига жойлашган бўлса, педални силжитиш учун кам куч сарфланади. Агар педалнинг айланиш ўқи товоннинг олд чеккасида жойлашган бўлса, педални силжитиш учун кўп куч сарфланади. Эркак ва аёлларда педални босишга кетадиган вақт ҳар хилдир, Эркакларда педални босиш юқори, аёларда эса пастдир. Шу сабабга кўра аёллар 100 км/соатда кетаётган автомобилл тўхтатишлари учун ортиқча 3 м масофа керак бўлади.

2-жадвал. Энг кўп қўлланиладиган педаллар конструкцияси

Педаль тури	Оёқнинг ҳаракати	Ҳаракатнинг куч тавсифи
	Товонга таянган холда оёқ кафтини буриш	Ўтирганда 30...60 Н Турганда 100...130 Н Юриш йўли 40...60 мм
	Бармоқлар ёстиқчасига таяниш	Ўтирганда 40...90 Н Турганда 140...400 Н Юриш йўли 40...60 мм
	Товоннинг олд қисмларига таяниш	Ўтирганда 80...100 Н Турганда 50...150 Н Юриш йўли 30...40 мм
	Товонни юқори-пастга қараб кўчириш	Ўтирганда 80...100 Н Турганда 50...80 Н Юриш йўли-катта
	Товонни олд-оркага ҳаракатлантириш а-эркин б-махкамланган	Куч-ўрта Юриш йўли-катта
	Тизза билан ҳаракатланиш	Куч—кичик Юриш йўли-кичик

Педаллар қандай функция бажаришларига қараб жойлаштирилади, Агар механизмга катта статик күч билан таъсир этиш керак бўлса, педаль ўриндиқ билан баробар (ундан 150ммгача пастга) шундай масофага жойлаштириладики, бунда оёқнинг пастки қисми тўғри туриши керак; товона болдир орасидаги бурчак 80^0 - 90^0 ни ташкил этиш керак.

Назорат саволлари:

1. Маълумотларни акс эттирувчи воситаларга нималар киради ва у нима учун хизмат қилади?
2. Оғоҳлантирувчи ва авария сигналлари қандай амалга оширилади?
3. Бошқарув постларини рационал ташкил қандай омилларга эътибор берилади?
4. Бошқарув пультлар қандай мезонларга асосан жойлаштирилади?
5. Бошқариш воситалари қандай материалдан тайёрланиши лозим?
6. Педаллар қандай критерияларга асосан ўрнатилади?
7. Маълумот майдони неча зонадан иборат бўлади?
8. Педалларнинг қандай турлари мавжуд?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Арунин А. С., Зациорский В. М., Прилуцкий Б.И. Морфометрия мышц в биомеханике локомоций. М., Машиностроение, 1986, 105 с.
2. Зациорский В. М., Арунин А. С. Биомеханика двигательного аппарата человека. М., Физкультура и спорт, 1981, 141 с.
3. Зациорский В. М., Арунин А. С. Определение биомеханическим способом плеч сил мышечной тяги. // Физиология человека. 1985. т.2. С.616-622.
4. Арунин А. С. Эргономическая биомеханика. М., Машиностроение, 1988, 256 с.
5. Боброва-Голикова Л.П., Мальцева О.М., Коханова Н.А., Строкина А.Н. - М.: Машиностроение, 1985.- 112с.
6. Ермакова СВ., Подставкина Т.П. , Строкина А.Н. Антропометрический атлас. - М.: ВНИИТЭ, 1977. - 138с
7. Донской Д.Д., Биомеханика. - М.: Просвещение, 1975. 239с.
- 8 .Диментберг Ф.М., Фролов К.В. Вибрация в технике и человек. М.: Знание, 1987.- 160с.
9. Зинченко В.П., Мунипов В.М. Основы эргономики. - М.: Издательство МГУ, 1979. - 344с

М У Н Д А Р И Ж А

	Бет
Кириш	3
1-амалий машулот. Сўров услуби билан иш ўринларини эргономик параметрларини ўрганиш	3
2-амалий машғулот. Зарба берувчи асбоб билан ишлаш биомеханикасини ўрганиш	9
3-амалий машғулот. Қўл ҳаракати ВА .кўл асбобларини ушлаш усуулларини ўрганиш	16
4-амалий машғулот. Зина ва пандусларни - асосий параметрларини ҳисоблаш	23
5-амалий машғулот. Бошқарув органлари ва маълумотларни акс эттирувчи воситаларни ўрганиш	26
Фойдаланилган адабиётлар	33

**ХАЙДАРОВ ТУЙГУН АНВАРОВИЧ
АСИЛОВА САЙЁРА АБДУМАЛИКОВНА**

**ЭРГОНОМИК БИОМЕХАНИКА
фанидан
амалий машғулотларни бажариш учун
УСЛУБИЙ КҮРСАТМА**

МУХАРРИР: М. НУРТОЕВА.

Босишига рухсат етилди „____” _____ 2013 й.
Қоғоз ўлчами 60x84 1/16. ажми 2,2 босма табок. ____ нусха.
Буюртма № ____ ТИМИ босмахонасида чоп етилди.
Тошкент-100000.Қ ори-Ниёзий күчаси 39 уй.

